



TIL VA ADABIYOT TA'LIMI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ TA'LIMI VAZIRLIGINING
ILMIY-METODIK JURNALI

1991-yildan
chiqa boshlagan

2018-yil. 4-son

ISSN 2010-5584

НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ
ЖУРНАЛ МИНИСТЕРСТВА
НАРОДНОГО ОБРАЗОВАНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Я ПРЕПОДАВАНИЕ
ЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ

LANGUAGE AND LITERATURE
TEACHING

SCIENTIFIC-METHODOLOGICAL JOURNAL OF THE MINISTRY
OF PUBLIC EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

til_adabiyot@uamail.uz www.tilvaadabiyot.uz til_adabiyot@uamail.uz www.tilvaadabiyot.uz til_adabiyot@uamail.uz www.tilvaadabiyot.uz til_adabiyot@uamail.uz www.tilvaadabiyot.uz



Andijon shahridagi Muhammad Yusuf nomi-
dagi ona tili va adabiyot faniga ixtisoslashtirilgan
maktabdun lavhalar

6-bet



Ushbu son da



Buyuk adibga
ehtiram

3- bet



Херман
вамбери
тузган
"Хрестоматия"

11- bet



Iste'dodning
sirli qirralari

38- bet



Shoirmi qan-
day tushun-
moq kerak?

42- bet



Баҳодир КАРИМ,
филология фанлари доктори

ҲЕРМАН ВАМБЕРИ ТУЗГАН “ХРЕСТОМАТИЯ”

Ҳерман Вамберини дунё илмий-адабий жамоатчилиги машҳур филолог олим, сайёҳ ва адиб сифатида танийди. Унинг асарларига дунёдаги туркийшунос, шарқшунос, тилшунос ва таржимашунос олимлар кўп муурожаат қилишади. Венгрияда туғилиб, Европанинг турли илмий ташкилотларига аъзо бўлган Ҳ.Вамбери жуда мураккаб ва самарали илмий-ижодий ҳаёт йўлини босиб ўтди. Ўз вақтида Истанбулда яшаб турк тилини пухта ўрганди. Дарвеш қиёфасида Туркистонга саёҳат қилган пайти Бухоро, Самарқанд, Хива, Қўнғирот каби шаҳарларда бўлиб, кейинчалик кўрган кечирганларини “Ўрта Осиёга саёҳат” номли китобида баён қилади.

Алоҳида таъкидлаш керакки, Ҳ.Вамбери ўз саёҳати давомида Шарқ халқлари, хусусан, ўзбек миллати адабий мероси ва халқ оғзаки ижодига оид қимматли манбаларни жамлайди. Уларни ўзи билан бирга Европага олиб кетади ва ўша адабий манбалар устида илмий-тадқиқотлар олиб боради. “Чиғатой (ўзбек) тили сабоқлари” деган махсус китоб ёзади, бир қанча манбаларни ўзбек тилидан немис тилига таржима қилади.

Тўғриси, Вамберининг ўзбек адабиётига муносабати, хусусан, ўзбек адабиёти намуналарини немис, венгер тилига таржима қилгани тўғрисида ҳам илмий адабиётларда айрим тахминий фикрлар учрайди. Бироқ ҳамон шу тахминларга аниқлик киритиш зарурати бор. Демокчимизки, Ҳ.Вамбери кўплаб ўзбек адабиёти намуналарини дунёга танитгани ҳақидаги умумий фикрлар учун аниқ далиллар лозим.

Хўш, Вамбери қайси ўзбек адибларининг асарларини ўз тилига ўғирди?

Юқорида тилган олинган “Чиғатой тили сабоқлари” китоби қўйилган бу саволга маълум даражада жавоб беради. Унинг умумий ҳажми 358 бет. Китоб: 1) “Чиғатой тилига доир мулоҳазалар” (1–40-бетлар); 2) “Хрестоматия” (41–193-бетлар); 3) “Луғат” (197–358-бетлар) деб номланган катта учта қисмдан таркиб топган. Биринчи ва учинчи қисмлар махсус ўрганишга арзийдиган манбадир.

Бу ўринда китобнинг иккинчи қисми, яъни салкам ўн босма табоқлик махсус адабий мажмуа – “Хрестоматия”нинг таркибига назар ташлаймиз. “Хрестоматия” учун ёзилган махсус “Кириш”да қуйидаги муҳим фикрларни ўқиш мумкин: “*Навоий қисмини истисно қилганда ушбу “Хрестоматия”да жамланган манбаларни мен Ўрта Осиёдан келтирилган чиғатойча кўлёмалардан олганман. Хато қилмасам, буларни Европада “уника” (лотинча “уникал” сўздан олинган бўлиб, “единственный”, “ягона”, “бебаҳо” маъноларини англатади – Б.К.) деб ҳисоблашади...*

Китоб мазмунига келадиган бўлсак, мен саёҳат кунлари хослар адабиёти намуналарига эмас, балки оммавий асарларни тўплашга ҳаракат қилдим. Бунда мен мувафақиятга эришдим. Бундаги матнлар бахшилар томонидан қўйланган, таржима қилинган асарлардир. Аслида мана шу асарлар бизга одамларнинг фикрлаш тарзини, ғояларини, шарқий туркларнинг тил хусусиятларини кўрсатади...

Бошида берилган мақоллар, асосан, бевосита турмушдан олинган бўлиб, уларнинг кўпчилиги бугунги кунда ҳам усмонлилар орасида қўлланиб келинаётганини таъкидлаш шарт бўлмаса керак.

Мен илова этган таржималарда ҳар доим китобнинг адабий мақсадини назарда тутиб, кўпроқ филологик жиҳатларга эътибор беришга ҳаракат қилдим. Албатта, бу ниятни фақат оддий халқ ижодидан олинган намуналар воситасида амалга ошириш мумкин эди. Гарчанд ўз асосий мақсадидан бир оз четга чиққан бўлсам ҳам, тасаввур аниқлиги учун Навоийнинг шарқ шеърлятидаги бебаҳо асарларини тақдим этишни ҳам лозим кўрдим”. Бу фикрлар китоб учун очқич вазифасини ўташи мумкин.

“Хрестоматия”нинг ҳар бир бўлими ва ундаги манбалар рим рақамлари билан қуйидаги тартибда кетма-кет берилган:

I. “Бир неча ўзбек нақллари баёнида турур”². Бунда 112 та ўзбек мақолининг араб-ўзбек ёзуви, лотин имлоси ҳамда олмон тилига таржималари берилган. Айрим ўринлардан таржимон томонидан мақолларнинг тушунилиши осон бўлиши учун изоҳлар ёзилган. Изоҳлар таржима ёнида қавс ичида ва ҳаволада берилган.

II. “Бруқ девона”³. Халқ ижодининг намунаси бўлган бу манба:

Бор экандур бир ажиб девона,

Ишқ майдонида бир мардона.

Солик роҳи тариқат эркан ул,

Раҳбар роҳи тариқат эркан ул, –

деган мисралар билан бошланади. Манбанинг ҳажми 134 байт. Умуммоҳияти ибратли диний тушунчалар билан йўғрилган.

III. “Меърочнома деган китобдан олингон”⁴. Насрий йўсинда ёзилган бу манба олти қисмдан таркиб топган бўлиб, аввалги иккитасига “Ҳикоят” сарлавҳаси қўйилган, кейингилари эса “Расулulloҳнинг



тамуқга борғони”, “Расулulloҳнинг тамуқга борғони”, “Расулulloҳнинг учмоқга борғони”, “Расулulloҳнинг учмоқга борғони” сарлавҳалари билан берилган. Уларда ҳадис мазмунига мос ибратли ҳикоят ва айрим диний ривоятлар келтирилган.

IV. “Саид Ваққос”⁵. Шеърини йўл билан ёзилган бу манба туркман ва ўзбек адабиёти намояндаси саналадиган Нурмуҳаммад Андалиб асаридир. “Бисмиллаҳир роҳманир роҳим” деган бошланмадан сўнг:

*Тингла бир ҳикоят, ҳазрати Фаффор,
Қудратини бир-бир нома айлади.*

*Юз йигирма минг пайғамбар айлаб,
Муҳаммадни ширин лиқо айлади,* – мисралари билан бошланади (“лиқо” – “юз, кўриниш” маъносида). Вамбери бу манбани маснавий шаклида – икита мисрага ажратиб беради. Менимча, Андалиб достонини мурабба шаклида ёзган. Чунки ҳар тўрт қатордан кейин “айлади” радифи такрор келади.

116 байтлик бу асарнинг охирда Андалиб таҳаллуси келади:

*Умринг охир бўлди сўрулса Андалиб,
Тоат бирла ранги рўинг сарғариб.
Ўлум чангалида бўлурсан ғариб,
Барчани ўлум фано айлади.*

V. “Аҳмад Юсуф китобидан олинган қитъалар турур”⁶. “Хрестоматия” таркибидаги энг катта манбалардан бири шу халқ достонидан олинган парчадир. Рим рақами билан ўнта парча берилган, адабий матн ўзбек халқ достонлари услубига мос равишда наср билан назм алмашиб келади. Достондан олинган парча: “Андин сўнг йигитлар айди: “Жавоб беринг Исфаҳонни чофармиз”, деди. Юсуфбек баҳодирларини қайтариб бир сўз айди...” жумласи билан бошланади ва яна Юсуфбек ёзган хат билан тугалланади.

VI. “Хожа Аҳмад Яссавий” қисмида ҳикматларидан намуналар берилган.⁷

Биринчи ҳикмат:
*Гуноҳим бора-бора ҳаддин ошти,
Қиёмат кун мени шарманда қилма,* –

мисралари билан бошланган бўлиб, жами 38 қатордан иборат.

Иккинчи ҳикмат:
*Бедор бўлғил, эй мўъмин, саҳар вақти ичинда,
Қутқар ўзингни ўтдин саҳар вақти ичинда,* –

мисралари билан бошланиб, жами 14 қатордан иборат.

Учинчи ҳикмат:

*Хуш ғойибдин овоз келди қулоқимга,
“Зикр айт” деди, зикрин айтиб турдим мано,* –

мисралари билан бошланиб, жами 44 қаторни ташкил этади.

Тўртинчи ҳикмат:

*Хуш ғойибдин овоз келди қулқимга,
Ул сабабдин Ҳаққа сиғиниб келдим мано,* –

мисралари билан бошланиб, умумий ҳажми 44 қатордан иборат.

Демак, Ҳ. Вамбери Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратларининг жами 140 мисрадан иборат ҳикматини олмон тилига таржима қилган.

VII. “Кошғар туркийсидан уч хат турур”⁸. Насрий йўлда ёзилган учта хатнинг шарқий Туркистон тилига хос хусусиятларини кўрсатиш ниятида аслияти ва таржимаси билан бирга беради.

VIII. “Бахши китобидан олинган варсақилар турур”⁹. Вамбери бу ўринда ўзбек ва қардош туркий халқлар адиблари ижодига мурожаат қилади. Ўзбек халқ достони “Китоби Санубар”дан олинган учта ғазал берилган. Улар:

*Таърифнинг этайинми майли мастона,
Қазондин қародур юзларинг сенинг (10 байт);*

*“Йиғлашур рудапойлар,
Бўлди охир замон санго” (9 байт);*

*Арзимни эшитинг, азиз эшонлар,
Аввало чихлтанлар борини кўрдим (22 байт),* – матлаъси билан бошланади.

Сўфи Оллоёрнинг:

*Дунёда қасру сарой бунёд қилмоқ арзимас,
Охири вайрон тутур обод қилмоқ арзимас,* –

мисралари билан бошланган саккиз байтли ғазали; Равнақнинг:

*Жонона бордим бир кеча бир-бир босиб
астағина,
Жонон ётур хуш уйқуда кучдим белидин
астағина,* –

матлаъси билан бошланган етти байтли ғазали;

Машрабнинг:

*Куйди жоним ўртаниб ул ёр келмайдур ҳануз,
Жон димоққа етди ул дилдор келмайдур ҳануз,* –

мисралари билан бошланган беш байтдан иборат ғазали;

Шайдоийнинг:

*Келди наврўз жумлаи олам гулистондур шу кун,
Гул очилди андалибинг иши оҳ-фиғондур шу кун,
Қилғоли завқу томошалар етгандур шу кун,* –
*Барча инсон аҳлига бир турфа сайрондур
шу кун,*

Алхусус ошику маъшук давронидур шу кун, – мисралари билан бошланган тўрт бандли мухаммаси;

Фузулийнинг машҳур:

*Адаб сариштасин тутғил адабдин яхши роз
ўлмас,
Адабсиз икки оламда, билингким, сарфароз
ўлмас,* –

мисралари билан бошланган олти байтли ғазали;

Насимийнинг:

*Ошиқо, кел бери жон бирла жонон мендадур,
Зоҳидо, ай сен қайдасан, нур бирла иймон
мендадур (8 байт)*

ҳамда:

*Шанба куни учрадим ул сарвиравона,
Шайдо қилибон солди мени жумла жаҳона (7
байт), –*

мисралари билан бошланган иккита ғазали таржи-
малари билан берилади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, бу ғазалларнинг
матнида бугунги матнлардан жузъий фарқли ўрин-
лар ёки мисралар жойи алмашган каби фарқлар ку-
затилади.

IX. “Зарқум шоҳ”¹⁰ – халқ ижоди намунаси бўлган
ушбу маснавий 105 байтдан иборат бўлиб:

*Маалқисса икки дарёи пашкар,
Тақобала чекти сафни баробар, – мисралари
билан бошланадиган ибратли ҳикоятдир (“тақоба-
ла” – юзма-юз турмоқ маъносида)*

X. “Зухра ва Тоҳир”¹¹ – туркий халқлар оғзаки ижо-
дининг нодир намунаси бўлган бу дostonдан олин-
ган 224 мисралаи парча:

*Ясовуллар тутуб Тоҳирни анда,
Ки сандуқ ичра солиб мисли банда, –*
сатрлари билан бошланиб:

*Ки сен қиссаларингни қил ҳикоят,
Ки биз ҳам қилайлик сизга ҳидоят, –*
мисралари билан яқунланади.

XI. “Табиблик китобининг бир фикраси дурур” –
Вамбери бу манбани ҳам “чиғатой тили”га хос ил-
мий-адабий услуб намунаси сифатида тақдим этган.

XII. “Хрестоматия”да ҳазрат Алишер Навоийга
тегишли бўлим алоҳида “Навоий” деган сарлавҳа
билан ажратиб берилган. Унда дастлаб “Маҳбуб-ул
қулуб”нинг бошланиш қисмидан парча келтирилади.
Вамбери олган парча асарнинг бугунги табдил нус-
халаридан бир оз фарқ қилади.

Кейин Навоийнинг:

*Эй кўнгул, келким, иков бўлуб нигоре кўзлалди,
Сарв қадде истабон сайминузоре кўзлалди, –*
матлаъси билан бошланадиган етти байтли ғазали
тула келтирилган. Аммо Вамбери китобида:

*Эй, ҳамд ўлуб маҳол фасоҳат била санга,
Андоқким, қурби тақвою тоат била санга, –*
матлаъли ғазалининг саккиз байти келтирилган.
Аслида Алишер Навоийнинг бу ғазали тўққиз байт-
дан иборат бўлиб, Вамбери нусхасида:

*Изҳори ажз биздин адаб таркидур баса,
Юз минг қусуру нуқсу касофат била манга, –*
байти тушиб қолган.

Вамбери таржима қилган яна бир ғазал барчага
маълуму машхур:



*Ёрдин айру кўнгул мулкедурур султони йўқ,
Мулкким султони йўқ, жисмедурким, жони йўқ, –*
матлаъси билан бошланадиган воқебанд ғазали бў-
либ, Вамбери нусхасида бу ғазалнинг:

*Дўзахеким равзайи ризвондин ўлғай ноумид,
Бир хуморедурки, анда мастлиғ имкони йўқ, –*
байти тушиб қолгани кузатилди.

Демак, тушиб қолган байтлар таржима ҳам қи-
линмаган. Гарчанд шундай ноқисликлар билан бўл-
са ҳам, Вамбери Навоийдан танлаган учта ғазал-
нинг олмон тилига насрий йўлда ўгиргани эътиборга
молик, албатта. Лекин Ҳ.Вамберининг “навоийхон”-
лиги шу билан тугамайди. У ўз “Хрестоматияси”нинг
“Фарҳод ва Ширин”дан олинган бир қитъа турур”
саҳифасида дostonнинг “Фарҳоднинг шабоб гулша-
нидаким...” деб бошланган 14-фаслининг барча – 75
байтини аслияти ва олмон тилига насрий таржима-
си билан тақдим этади. Бундаги матн ҳозир биз ўқи-
ётган нусхадан деярли фарқ қилмайди.

“Навоий” бўлими давомидан “Қиссаи
Сайфулмулк” асаридан олинган бир неча парча-
лар” ҳам илова қилинган. Бу манба иловасига сабаб
сифатида Вамбери “Куллиёти Навоий”нинг Теҳрон
нусхасида шу асар ҳам борлигини ёзади.

Ҳ.Вамбери “Чиғатой тили сабоқлари” китоби тар-
кибида келтирилган “Хрестоматия” орқали ўзбек
адабиётининг ёзма ва оғзаки намуналари Европага
тарқалди. Олмон тилига қилинган бу таржималар
Ҳ.Вамберидан кейинги шарқшунослар мурожаат
қиладиган муҳим манбалардан бири бўлиб қолди-
ки, улар илм-фанимиз, таржимашунослик, фольк-
лоршунослик, умуман, ўзбек адабиётининг олмон
тилига таржимаси тарихи билан шуғулланадиган
барча мутахассислар учун бугун ҳам керак. Юқорида
кетма-кет маълумотлар берилган барча асарларни
аслияти ва олмон тилига таржималари билан бирга
бор ҳолича илм аҳлига етказиш келажақдаги муҳим
вазифалардан биридир.

¹Herrmann Vambery. *Čagataische Sprachstudien*. Leipzig: F.A.Brockhaus, 1867. 43-44-seiten.

²Ўша манба. 45–58-бетлар.

³Ўша манба: 59–70, ⁴71–83, ⁵84–94, ⁶95–114, ⁷115–123, ⁸124–131, ⁹132–143, ¹⁰144–153-бетлар.